

бошқасини бера олмайди. Агар уларнинг ҳаммаси сенга бирор зарар етказиш учун жамланса ҳам, Аллоҳ сенга ёзган нарсадан бошқасини етказа олмайди. Қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуриган», дедилар» (Имом Термизий ривоят қилган).

Ҳадиси шарифнинг бошқа ровийлари ва ривоятлари:

Ушбу ҳадисни имом Термизийдан ташқари имом Аҳмад, Абу Яъло, Табароний ва бошқалар ривоят қилишган.

Имом Термизийдан бошқаларининг ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«نَأْمَلُ عِوَاءَ دَشَلِ يَفَكُفُ عِيءَ أَحْرَلِ يَفِدْهَلِ لِيْلٍ فَرَعَتِ، كَمَامٌ أَدَجَتَ هَلَلِ طَفْحًا
عَمَزُ صَنَّالِ نَأْمَلُ عِوَاءَ، كَيْئَطُخِي لِنُكَيْ مَلَكَبِ اصْأَمَ وَ، كَبِ صِيْ لِنُكَيْ مَلَكَبِ أَطْحَ أَم
«أَرْسِي رَسُوعِلْ عَمَزُ نَأْمَلُ بَرَكَلْ عَمَجَرَفَلِ نَأْمَلُ رُبَّصَلِ».

Яъни «**Аллоҳни**(нг буйруғу қайтариқларини) **муҳофаза қилгин, шунда У Зотни рўпарангда топасан. Аллоҳни фароғатда танисанг, У сени қийинчиликда танийди. Билки, сени четлаб ўтган нарса сенга етмайди. Сенга етган нарса сени четлаб ўтмайди. Билки, сабр ортидан ютуқ, ғам-ғусса ортидан кушойиш келади. Ва албатта, қийинчилик ортидан енгиллик бордир».**

Ҳадиси шарифнинг шарҳи:

Ушбу ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюк тавсиялари ва Ислом динидаги умумий қоидаларни ва Аллоҳ таолонинг бандалари зиммасидаги ҳаққи ўзида жамлаган.

Бир куни Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хачирларига мингашиб олиб, у зотнинг ортларида кетаётган эдилар. Ўшанда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо тўққиз ёш бўлган, дейишган уламоларимиз. Шунда Набий алайҳиссалом у кишига:

1) «...كُفَّحِي هَلَلِ طَفْحًا؛ تَأْمَلُ كَكُ مَلْعُ أَيُّ نِيْنِ، مُالْغِ أَيُّ»

«Эй болакай! Мен сенга калималарни ўргатаман. Аллоҳни(нг буйруғу қайтариқларини) **муҳофаза қилгин, шунда У Зот сени муҳофаза**

Ҳадиснинг маъноси «**Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бош ва ундаги нарсаларни муҳофаза қилишинг, қорин ва ундаги нарсаларни муҳофаза қилишингдир**». Яъни қулоғинг, кўзинг ва тилингни харомдан сақлашинг. Қорнингни ҳаром луқмадан, қалбингни ҳасад, гина каби қалб ҳасталикларидан сақлашингдир, дегани.

Буюк аллома Ибн Мункадир: «Аллоҳ солиҳ киши сабабидан унинг фарзандини, фарзандини болаларини ва атрофидаги хонадонларни муҳофаза қилади», деган эканлар.

Айрим салаф уламоларимиз: «Ким Аллоҳга тақво қилса, ўзини муҳофаза қилибди. Ким тақвосини зое қилса, ўзини зое қилибди. Аллоҳ ундан беҳожатдир», дейишган.

Фузай ибн Иёз: «Мен Аллоҳга осийлик қилсам, ўша ишимнинг ёмонлигини хизматкорим ва уловимни хулқ-атворида сезаман», даган эканлар.

2) «كَهَاجُتُ هَاجَتَ هَلَلِ طَفْحَا»

«Аллоҳни муҳофаза қилсанг, У Зотни рўпарангда топасан».

Яъни банда Аллоҳ таолонинг динига оғишмай амал қилса, у қаерда бўлмасин У Зот ўша бандани ҳефзи ҳимоясига олади, ёрдам беради, барча ишларига муваффақият ато қилади.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 128-оятда:

{نُونٌ سِحْرٌ مُمُوهَ نِيْدَلْ أَوْ أَوْقَاتِ نِيْدَلْ غَمَ هَلَلِ نِ}

«Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва гўзал ишлар қилганлар биландир», деб марҳамат қилган.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб йўлга тушиганини сезиб қолган Қурайш машриклари изларидан одам юборади. Шунда улар Маккадаги Савр ғорига яшириниб олишади. Абу Бакр кўриб қолишларидан хавфсирайдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига:

«أَمْ هُنَّ لَأَثُ هَلَلِ نِيْدَلْ نِيْدَلْ رَكَبَ أَبَايَ كُنَّ ظَامٌ»

«Учинчилари Аллоҳ бўлган икковлон ҳақида нима деб ўйлайсан, эй Абу Бакр?» дедилар».

Қатода: «Ким Аллоҳга тақво қилса, У Зот у билан бўлади. Аллоҳ ким билан бўлса, у билан мағлуб бўлмайдиган жамоа, ухламайдиган соқчи, адашмайдиган йўл кўрсатучи бўлади», деганлар.

3) «هَلْ لَّاسِ فَتَلَّاسِ إِذَا».

«Сўрамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан сўра».

Чунки У Зотдан ўзга берувчи йўқ. Бошқа берувчилар ҳам У Зотнинг амри ила У Зотнинг берганидан берадилар. Шунинг учун орага бошқани қўшмай, тўғридан-тўғри ҳақиқий берувчининг Ўзидан сўраш керак.

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 32-оятда:

{هَلْ ضَفَّ نَمَّ هَلْ لَّاسِ أَوْ لَّاسِ أَوْ}

«Аллоҳдан фазлини сўранг», деган.

Имом Абу Довуд ва Термизий Нуъмон ибн Баширдан қилишган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«(مَنْ كَلَّمَ بِيَّ تَسَاءَلًا يَنْوِي دَاكُورًا لِقَوْلِي) أَرْقُ مَثُ «دَابَّ لَوْ هُوَ عَاذِلًا»».

«Дуо ибодатдир», деб кейин **«Роббингиз: «Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман»**, оятини ўқидилар».

Дуо қилаётган одам Аллоҳга зорланади, муҳтожлигини билдиради. У Зот таолонинг ундан зарарни даф, фойдани жалб қилишини, барча истакларини рўёбга чиқаришга қудрати етишини эътироф қилади.

Имом Бухорий «Адабул муфрад»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«هَلْ لَّاسِ فَتَلَّاسِ إِذَا».

«Ким Аллоҳдан сўрамаса, Аллоҳ унга ғазаб қилади», деганлар.

Имом Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло:

«هَلْ رَفَعَتْ سَيِّئَاتِي نَمَّ، هَلْ طَعْتُ أَفَّي نُنُّ لَّاسِ ي نَمَّ، هَلْ بِيَّ تَسَاءَلًا يَنْوِي دَاكُورًا نَمَّ».

«Ким Менга дуо қилади, ижобат қиламан. Ким Мендан сўрайди, унга бераман. Ким Мендан мағфират сўрайди, Мен уни мағфират қиламан», дейди», деганлар.

Имом Аҳмад: «Аллоҳим, ўзгага сажда қилишдан асраганингдек, ўзгадан сўрашдан ҳам асрагин», деб дуо қилар эканлар.

Товус Атога: «Юзингга эшигини ёпиб қўйган одамдан ҳожатингни сўрашдан ҳазир бўл. Сен қиёмат кунигача эшиги очиқ бўлган, Ўзидан сўрашингни сенга амр қилган ва сўровларингни ижобат қилишга ваъда берган Зотдан сўра», деди.

4) «هَلْ لِبَابِ نَعْتِ سَأَفْتِنَعْتِ سَأِذِإِو»

«Кўмак истамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан иста».

Чунки ҳақиқий кўмакчи ҳам – У Зотнинг Ўзидир. Бошқаларнинг барчаси кўмакка муҳтож. Аллоҳнинг амрларига итоат қилишда ҳам, қайтарган ишларидан қайтишда ҳам, қазо ва қадарига сабр қилишда ҳам Аллоҳнинг Ўзидан кўмак, ёрдам сўралади.

Аллоҳ таоло Фотиҳа сурасида:

{نِيَعْتِ سَنَكْأِيْإِو دُبْعَنَكْأِيْ}

«Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз», деган.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«رَجَعْتَ الْوَهْلَ لِابْنِ نَعْتِ سَأَوْ كُنْفَنِيْ أَمْ لَعَّصْ حَا»

«Сенга фойда келтирадиган нарсага ҳарис бўл, Аллоҳдан кўмак иста, ожизлик қилма», деганлар.

Имом Бухорий Абу Мусо розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«رُؤُنْكَ نَمُزُنْكَ أَوْ هَلْ لِبَابِ الْوُوقِ الْوَلَوْحِ الْلُقِ سَيْقِ نَبْهَلْ لِدَبْعِ أِيْ»
«رُؤُنْكَ».

«Эй Абдуллоҳ ибн Қайс, «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах» дегин, зеро, у жаннат хазиналаридан биридир», деганлар. Яъни куч ҳам, қувват ҳам фақат Аллоҳ биландир.

Ҳасан Басрий Умар ибн Абдулазизга: «Аллоҳдан ўзгандан ёрдам истама, Аллоҳ ишингни ўшанга топшириб қўймасин», деб мактуб йўллаган эканлар.

5) دَقِيْعٌ شَبَّ اِلٰكٌ وَّعَفْوَنِيْ مَلِيْعٌ شَبَّ كُوْعْفُوْنِيْ اَنْ اَيْلَعَتْ عَمَّ تَجَلَّوْلٌ مَّالٌ اَنْ اَمْلَعَاوُ
دَقِيْعٌ شَبَّ اِلٰكٌ وَّوْرُضِيْ مَلِيْعٌ شَبَّ كُوْرُضِيْ اَنْ اَيْلَعَتْ اَوْعَمَّ تَجَلَّوْلٌ وَّوْلٌ اَكْلٌ لِّلْاَهَبَتِكَ
فُحُّصَلِّ تَفَجَّوْمٌ اَلْقَالِ تَعْفُرُ كَيْلَعٌ هَلَلٌ اَهَبَتِكَ.

«Билки, агар бутун уммат (маҳлуқотлар) сенга бирор манфаат бериш учун жамланса ҳам, Аллоҳ сенга ёзган нарсдан бошқасини бера олмайди. Агар уларнинг ҳаммаси сенга бирор зарар етказиш учун жамланса ҳам, Аллоҳ сенга ёзган нарсдан бошқасини етказа олмайди. Қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуриган».

Фойда ҳам, зиён ҳам Аллоҳдандир. Аллоҳнинг дунёдаги барча махлуқ отлари жамланиб, сенга заррача фойда ёки зиён етказмоқчи бўлса ҳам, Аллоҳ тақдирингга битган нарсдан бошқаси бўлмайди. Шунинг учун ҳам аммани қўйиб, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина таваккул қил.

Аллоҳ таоло Ҳадид сурасининг 22-оятда:

اِنَّ اِلٰهَ الْبَقَرِ اَنْ مَّ بَاتِكَ يٰ اِلٰهُمُّ كَسُفُنَا يٰ اِلٰهَ وِضْرَا لِيٰ يٰ اِلٰهَ بَصَا اَمَّا
رِي سَيِّدِ لَل اَيْلَعَتْ كَلَدٌ اِهَ اَرْبَن

«Ер юзида ёки ўзларингизда бирор мусибат етса, уни яратишимиздан олдин албатта, китобда бўлур. Албатта, бу Аллоҳ учун осондир», деган.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Болаларга хуш муомалада бўлиб, уларга таълим-тарбия бериш;
2. Аллоҳнинг буйруғу қайтариқларига бўйсунуш У Зотнинг инсонга танисихатлик бериши, бола-чақа, аҳли аёлини, мол-дунёсини турли хил бало-офатлардан асраши, дину диёнатида, иймону эътиқодида залолатга

кетишдан асрашига сабаб бўлади;

3. Талаб-истакларни фақат уларни бажо келтирувчи Зотдан – Аллоҳдан сўраш кераклиги;

4. Кўмак ва ёрдамни ҳақиқий кўмак берувчи Зотдан – Аллоҳдан сўраш кераклиги;

5. Фойда ҳам, зиён ҳам Аллоҳдан экани;

6. Аллоҳнинг қазои қадарига иймон келтириш ва унга рози бўлиш вожиблиги;

7. Солиҳ амаллар туфайли Аллоҳ бандадан бало-офатларни аритиши;

8. Барча махлуқотлар жамланиб, бир инсонга заррача фойда ёки зиён етказмоқчи бўлса, Аллоҳ тақдирда битган нарсадан бошқаси бўлмаслиги;

9. Банда фароғат пайтида Аллоҳни ёдга олиб, тоат-ибодатда бўлса, қийинчиликка йўлиққан пайтида У Зот уни ёрдамсиз ташлаб қўймаслиги;

10. Сабр ортидан ютуқ, ғам-ғусса ортидан кушойиш, қийинчилик ортидан енгиллик келиши.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади